

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022


2022

УЧЕНЫЙ — ТОТ, КТО
МНОГО ЗНАЕТ ИЗ КНИГ;

ОБРАЗОВАННЫЙ — ТОТ, КТО
УСВОИЛ СЕБЕ ВСЕ САМЫЕ
РАСПРОСТРАНЕННЫЕ В ЕГО
ВРЕМЯ ЗНАНИЯ И ПРИЕМЫ;

ПРОСВЕЩЕННЫЙ — ТОТ, КТО
ПОНИМАЕТ Смысл Своей Жизни.

LEV TOLSTOY
(1828-1910)



OKTYABR
№ 45



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.l, 2-uy.



+998 97 420 88 81



+998 94 404 00 00



www.taqiqot.uz

www.conferences.uz

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
19-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-19**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-19**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 45-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 октябрь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 11 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиши ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишлиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохигда Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ФАРМАЦЕВТИКА

1. Шерова Адиба Ботир қизи, Юнусова Холида Маннановна ЗАМБУРУҒГА ҚАРШИ ТАЪСИР КҮРСАТУВЧИ “ФЛУКОЗОЛ” ТАБЛЕТКАСИНИНГ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ.....	7
2. Шерова Адиба Ботир қизи, Юнусова Холида Маннановна ФЛУКОЗОЛ ТАБЛЕТКАСИНИ СТАНДАРТЛАШ БОРАСИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР	9



ФАРМАЦЕВТИКА

ЗАМБУРУҒГА ҚАРШИ ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ “ФЛУКОЗОЛ” ТАБЛЕТКАСИНИНГ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ.

Шерова Адиба Ботир қизи

Тошкент Фармацевтика институти

1-курс PhD доктаранти

Телефон: +9989998983883

sherovaadiba93@gmail.com

Юнусова Холида Маниновна

Тошкент Фармацевтика институти

ДВСТ кафедраси профессори

Аннотация: таблетка дори турини яратишда технологик жараён параметрлари, шунингдек тайёр маҳсулот хоссалари, бошланғич материаллар физик-кимёвий ва технологик хоссалари бутун комплексига боғлиқ бўлади. Бу дори турлари массаси маълум технологик хоссаларга эга бўлиб, уларни тўғри белгилай олиш тайёр маҳсулотнинг керакли сифат кўрсаткичларига эришишга имконият беради.

Калит сўзлар: таблеткалар, технологик хусусиятлар, прессланадиган масса, таркиб, технология.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти замонавий шароитларда дори воситаларига қўйиладиган қўйидаги асосий талабларни аниқлади: самарадорлиги, хавфсизлиги ва аҳоли учун кулайлиги. Бу уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва тиббиёт амалиётида самарали фойдаланиш имкониятларини белгилайди[1,3].

Фойдаланиш учун қулай, етарли биосамарадор ва сақлаш барқарорлигига эга бўлган дозалаш шаклларини яратиш дорихонада долзарб масала хисобланади.

Юқоридаги фактлар янги антифунгал препаратларни ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш долзарблигини тасдиқлайди.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади, антифунгал таблеткаларнинг таркиби ва технологиясининг асосий технологик мезонларини ўрганишдир[2].

Тадқиқот обьекти сифатида флуконазол асосидаги антифунгал таъсир кўрсатувчи таблетка шаклини танладик. Маълумки, таблеткалар бир неча усулда олиниши мумкин бўлиб, тўғридан-тўғри пресслаб олиш корхона учун арzon ва бир қатор жараёнларни четлаб ўтишига тўғри келади. Олингандан натижалар асосида биз ўнга яқин таркиб танладик ва Флукозол таблеткаларини тўғридан-тўғри пресслаш усулида олишга ҳаракат қилдик. Аммо олингандан таблеткалар сифати бўйича талабга жавоб бермади, яъни парчаланиши ва қаттиқлиги XI ДФ сининг таблеткаларга қўйилган талабларига жавоб бермади. Натижада эса кейинги тадқиқотлар таблеткаларни нам донадорлаш усули орқали олишга қаратилди. Тадқиқот жараённида ёрдамчи моддалар танлашга ҳам алоҳида этибор қаратилди, ўндан ортиқ комбинатциядаги ёрдамчи моддалар кўздан кечирилди. Бунда картошка крахмали, ПВП ва стеарат кальцийли таркиблар ижобий кўрсаткичларни намоён қилди.

Парчалантирувчи сифатида картошка крахмали ва антифрикцион модда сифатида кальций стеарати олингандан таркиб барча талабларга тўлиқ жавоб берди. Тўлдирувчиларни танлашда дори воситасининг нам ютиш кинетикаси ва тадқиқот натижалари асос қилиб олинди.

Ўрганилган технологик кўрсаткичлардан фракцион таркиб, сочилма зичлик, эркин тушиш бурчаги, сочилувчанлик каби кўрсаткичлар деярли хар бир таркибда ижобий кўрсаткичларга эга эканлаги ёки бир-бирига яқин кўрсаткичларни намоён қилгани кузатилди.

Нам донадорлаш усулида таблетка олишда намловчи моддалар тури, микдори, концентрацияси жуда катта аҳамият касб этади. Турли концентрациядаги этил спирти



ҳамда тозаланган сувда намланганда масса грануляция қилишга имкон бермади. Навбатдаги тадқиқотларда эса крахмалнинг турли концентрацидаги эритмаларидан фойдаландик ва олинган натижалар массаларнинг талабга жавоб беришлигини кўрсатди. Бунда 5% крахмал эритмасидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб олдик. Таблеткалар бир пуансонли таблетка прессида диаметри 0,6мм ва ўртача оғирлиги 0,12 қилиб олинди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида таблеткаларнинг синишга бўлган қаттиқлиги 70Н, парчаланиши 8 дақ, ишқаланишга бўлган қаттиқлиги 98% эканлиги аниқланди. Мазкур таркиб асосида нам донадорлаш усулида олинган таблеткалар XI ДФ си талабларига жавоб беришлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Илхамова Н.Б., Джалилов Х.К., Юнусова Х.М. //«Ибуасктамол», «Ниме-S» ва «Ибупрофен-S» таблеткаларини сифат кўрсаткичларини ўрганиш// Фармацевтика журнали.- Ташкент.-2016.-№4.-Б.52-57.
2. Ravshanova S.E., Yunusova Kh.M. Quantitative Analysis of Combined Analgetic Tablets // Research J. Pharm. and Tech.-India.-2020.-Vol. 13.-Issue 12.-P.5735-5740.
3. Климко Н. Н. Микозы: диагностика и лечение: Руководство для врачей.- М.: Премьер МТ, 2007. - С. 336.



ФЛУКОЗОЛ ТАБЛЕТКАСИНИ СТАНДАРТЛАШ БОРАСИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

Шерова Адиба Ботир қизи

Тошкент Фармацевтика институти

1-курс PhD доктаранти

Телефон: +9989998983883

sherovaadiba93@gmail.com

Юнусова Холида Маннановна

Тошкент Фармацевтика институти

ДВСТ кафедраси профессори

Аннотация: Дори моддаларини объектив идентификация килиш учун физик ва физик-кимёвий текшириш усуллари кўпроқ аҳамиятга эга. Препаратлар анализида спектрофотометрия катта объективликка эришишга имкон беради.

Калит сўзлар: миқдорий таҳлил, объект, спектрофотометрия, эритма.

Фармацевтика саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, соҳанинг инвестицион жозибадорлигини янада ошириш, айниқса, инновацион лойиҳалар, янги самарали дори воситалари ва препаратларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ва лаборатория тадқиқотлари зарурлигини ўз ичига олади[2].

Сиёсий ўзгаришлар, дунёнинг иқтисодий харитасидаги ўзгаришлар, глобал геофизик ва экологик жараёнлар, муҳим ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар ва ниҳоят, соғлиқни сақлаш харажатлари ўсишининг умумий тенденцияси янги дори воситаларини яратиш ва кўпайтириш соҳасида замонавий самарали ёндашувларни талаб қиласди.

Маълум бўлган дори воситаларининг биофармацевтик омиллари: самарадорлик, хавфсизлик, қулайлик, барқарорликни оптималлаштириш мақсадида препаратлар таркиби ва ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқишиң такомиллаштириш долзарб муаммо хисобланади [1,3].

Спектрофотометрик усул корхона шароитида ўтказилиши мумкин бўлган энг кенг кўлланиладиган усуллардан биридир. Флукозол таблеткасининг таркибидаги флуконазол миқдорини аниқлаш учун аввало препаратнинг спектрал хусусиятларини ўргандик. Текширилган намуналарасосий модданинг таркиби ва унинг стандарти бўйича солишишириб баҳоланади. Ишончли натижалар олинадиган миқдорий анализ учун оптимал концентрация 0,03% хисобланади.

Миқдорий таҳлил учун 0,3г аниқ тортмани 50мл 50% ли этил спиртида аралаштириб турган ҳолда 100мл ли колбада эритамиз ва чизигигача 50%ли этил спирти билан тўлдирамиз. Эритмани қоғоз филтр ёрдамида филтрлаймиз (А эритма). А эритмадан 25мл олиб 100мл ли ўлчов колбасига солиб чизигигача этил спирти билан тўлдирамиз (Б эритма).

Б эритманинг оптик зичлиги 296 нм тўлқин узунлигига 10мм қалинликдаги кюветада СФ-46 спектрофотометрда ўлчанди. Эритма сифати 50% ли этил спирти сифати билан тўғри келди. Параллел равиша флуконазол стандарт намуна эритмаси (PCO)нинг оптик зичлиги ўлчанди. Флуконазолнинг ишчи стандарт намуна эритмаси қўйидаги тайёрланди: 0,15г флуконазолни 50мл 50% ли этил спиртида 15 дақиқа аралаштириб, 100мл ли колбада эритамиз ва 50% ли этил спирти билан тўлдирамиз. Тайёр бўлган эритмани филтрлаймиз(А эритма). А эритмадан 25мл олиб 100мл ли ўлчов колбасига солинади ва эритувчи билан тўлдирилади(Б эритма).

Тадқиқот натижаларига кўра флуконазолнинг миқдорини ўлчаш учун спектрофотометрик усулнинг ўзи етарли, чунки аниқлаш хатолиги катта эмас. Бу усул сезувчанлиги юқориилиги билан фарқланади. Таҳлил натижаларига кўра Флукозол таблеткаларидаги асосий таъсир қилувчи модда флуконазолнинг миқдори 0,0022 дан 0,0025 гача бўлиши керак деб белгиланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Жалолиддинова М.Ш., Юнусова Х.М. // Конъюнктуры фармацевтического рынка препаратов на основе диклофенака натрия // Научно-практическая конференция с международным участием «Создание конкурентоспособных лекарственных средств –



приоритетное направление развития фармацевтической науки». -Пермь.-2018.-С.197-198.

2. N.B.Ilkhamova, Z.A. Nazarova. Kh.M Yunusova //Studying the effect of a relative humidity and compaction pressure on the quality of tablets and pressed mass// World Journal of Pharmacy and Pharmaceutical Sciences.- 2019.-Vol.- 8.-Issue 6.-P. 35-40.

3. Веселов А.В. К.Р.С. Инвазивный кандидоз: современные аспекты эпидемиологии, диагностики, терапии и профилактики у различных категорий пациентов // Клиническая микробиология и антимикробная химиотерапия. 2016. № 18 (2). С. 21–23.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 19-ҚИСМ

**Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фарруҳ Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзисв**

Эълон қилиш муддати: 31.10.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Tel: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000